



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 8 май, № 91 (4501) • Пайшанба

## ТЕХНИКАВИЙ ЯНГИЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАСИ

Юртимизда тўқимачилик саноати билан боғлиқ барча жараёнларни ривожлантириш механизми изчил такомиллаштирилиб бораётган. Айниқса, пахта хом ашёсини мукаммал қайта ишлаш, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, шунингдек, тармоққа жалб этилаётган хорижий инвестициялар салмоғини кўпайтириш борасида олиб борилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётган. Бунда, табиийки, Президентимизнинг 2006 йил 13 ноябрдаги "2006-2008 йилларда тўқимачилик корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги Қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

"Бизинтрод-Хоразм" маъсуляти чекланган жамиятида ушбу йўналишда кенг қўлланма ишлар амалга оширилгани натижасида маҳсулот сифати ва самардорлиги ошмоқда. Корхонада ўтган йили 345 млн. сўмлик кийим-кечак тайёрланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичи 400 млн. сўмга етказиш кўзда тутилаётган.

Сиз суратда кўриб турган Аноргул Раҳимова ва Фароғат Курбнова корхонанинг қўли гул чеварларидан ҳисобланишади.

— Ҳаётимизнинг эндида корхонамизда тикилган либосларни кўрсаткичда гуруҳ уйғонди, — дейди Аноргул. — Бир мен эмас, жамоамизда меҳнат қилаётган 50 нафар ишчи-хизматчи ҳам ўз меҳнати маҳсулидан манун.

Зеро, ўз даламда етиштирилган хом ашё кўз ўнгингда бежирим ва кўркам кийим-кечакка айланиб турса, бундан шодланмай бўладими?



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Тўқимачилик

## МАМЛАКАТ

бўйлаб  
Воқеалар,  
янгиликлар,  
хабарлар

Урганч шаҳрида «Европа тажрибаси асосида Ўзбекистон олий ўқув юрталарида баҳолаш тизимини кўриб чиқиш» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

### Халқаро семинар

Европа Иттифоқининг «Тетрис» лойиҳаси ҳамда республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирда Испания, Нидерландия ҳамда австриялик олимлар, шунингдек, Урганч давлат ва Тошкент ахборот технологиялари университетларининг Урганч, Нукус филиалларидан вакиллари иштирок этди.

Ойбек РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган худудий саноат ярмаркасида йирик корхоналардан ташқари, олтидан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбирлик субъектлари ўз маҳсулотларини намойиш этишди.

### Худудий саноат ярмаркаси

Унда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида шартномалар тузилиб, ички тармоқ ва тармоқлар аро ишлаб чиқариш кооперация алоқалари ўрнатилди.

Агар вилоятда 2008 йилнинг биринчи чорагида 63579,3 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилгани, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,2 фоиз кўпчилигини ҳисобга олсак, худудий саноат ярмаркаси ана шу кўрсаткични янада ошириши, шубҳасиздир.

Ортиқ СУЛТОНОВ.

Иқтисодий таназзул ёқасига келиб қолган «Кўкonus» очик акциядорлик жамиятининг қайта оёққа туришида хорижий инвесторларнинг сармояси қўл келди.

### Инвестиция шарофати

Россияда фаолият кўрсатувчи «Квадр Р» кўп тармоқли компанияси корхонани таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 3 миллион евро маблағ ажратди. Корхонанинг дастлабки маҳсулотлари шаҳардаги 17-саҳоват уйида истиқомат қилувчи ногиронлар, кўнгли яримлар дастурхонини безади.

Энди «Кўкonus» тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар шаҳар ва атроф туманлар савдо дўконларида сотилимоқда.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

«Экосан» халқаро ташкилоти ва Россия Федерациясининг юртимиздаги «Росзарубежцентр» ташкилоти ваколатхонаси ташкил этган «Саломатлик поезди» Нукусга етиб келди.

### «Саломатлик поезди» Нукусда

Бу поездда ҳўжалик буюмлари, санитария-гигиена воситалари, ўқув-услубий қўлланмалардан иборат 76 миллион сўмлик хайрия юклари бўлиб, улар болалар оромгоҳлари ва санаторийлар, кам таъминланган ёш оилалар учун мўлжаллангандир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жиззах вилоятидаги «Ишонч» кредит уюшмаси томонидан кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган 6 нафар талабага стипендия тўғрисида эълон қилинди.

### Талабаларга «Ишонч» стипендиялари

Айтиш жоизки, жамоанинг изланиб иш юритиши натижасида уюшма аъзолари сонини кўпайтириш мақсадида 4500 нафардан ошди. Молиявий активлар портфели кейинги 5 йилда 1 миллиард 543 миллион сўмни ташкил қилди. Олиналган даромадлар эвазига уюшманинг ижтимоий химояга муҳтоб 8 нафар аъзосининг хар бирига 100 миң сўмлик ҳисоб рақамлари очилди.

Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2008 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯҚУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари 2008 йилнинг биринчи чорагида амалга оширган чора-тадбирлар Президент Ислам Каримовнинг шу йил 8 февралдаги маърузасида белгилаб берилган 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларини, муҳим мақсадли комплекс дастурлар, шунингдек, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини ривожлантириш, ҳамда техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга оширишни таъминлашга қаратилди.

### I. Макроиктисодий барқарорлик, иқтисодиётнинг изчил ва мувозанатли ўсиш суръатларини таъминлаш

2008 йилнинг январь-февраль ойларидаги мураккаб иқлим шароити ва узоқ давом этган совуққа қарамай, жорий йилнинг биринчи чорагида барқарор иқтисодий ўсиш таъминланди ва бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этди. Иқтисодий ўсишнинг муҳим омил сифатида фаол инвестиция ва ташқи иқтисодий сибасатни амалга ошириш, иқтисодиётнинг етакчи саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, шунингдек, хусусий тадбиркорлик учун қўлай ишбилармонлик муҳитини қўллаб-қувватлаш ҳисобидан олиб борилаётган иқтисодиётни таркибий қайта қуриш сибасати белгиланди.

Натижада саноат ишлаб чиқариш ҳажми 10,6, жумладан, истеъмол товарлари ҳажми 17,2, қишлоқ ҳўжалиги 4,8, қурилиш ишлари 5, чакана товар айлиниши 12,7, пулли хизматлар 19,8 фоизга ошди.

### Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (Ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2008 йилнинг 1-чораги
Ялпи ички маҳсулот	108,1
Саноат маҳсулотлари ҳажми	110,6
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	117,2
Ялпи қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари	104,8
Асосий капиталдаги инвестициялар	141,0
Қурилиш ишлари	105,0
Чакана савдо айланмаси	112,7
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	119,8

### II. Хорижий инвестициялар, ағвал, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобидан таркибий тўб ўзгаришлар, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилашнинг давом эттирилиши

Хисобот даврида инвестиция сибасати таркибий ислохотларни чуқурлаштиришга ёрдам берди ва саноат корхоналарини техник модернизация қилишга доир йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун қўлай шарт-шароитлар яратилди. Ҳисобот даврида капитал қўйилмалар ҳажми барча молия манбалари ҳисобга олинган ҳолда 1622,8 миллиард сўмни ташкил этди ёки 2007 йилнинг биринчи чорагига қараганда 41 фоиз ўсди.

Узлаштирилган инвестицияларнинг асосий ўсиш суръати хорижий инвестициялар ва кредитлар миқдорини ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 46,5, жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар миқдорини 56,8, корхоналарнинг ўз маблағларини 78,2 фоизга кўпайтириш ҳисобига таъминланди. Бунда инвестициялар умумий миқдорига корхоналар маблағлари улуши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 43,5 фоиздан 54,3 фоизга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 10 фоиз ўрнига 11,4 фоизга ўсди.

Жами капитал қўйилмаларининг 72,6 фоизи ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилди. Жумладан, ишлаб чиқариш инвестицияларининг 42,7 фоизи янги қурилишга, 45,4 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация ва реконструкция қилишга йўналтирилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 105 ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Жумладан, озиқ-овқат саноатида макарон, нон ва нон маҳсулотлари, қандолат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича (43), енгил ва тўқимачилик соҳасида қалава, тўқимачилик, чарм ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шойи ва тоналари қайта ишлаш бўйича (20), қурилиш материаллари саноатида гипс, пластик ромлар, эшиклар, шифер ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича (29) объект ишга туширилди.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан Қарши каскад насос станциясини капитал-қайта тиклаш, Хонжиза ва Уч-Қўлоқ полиметалл рудалар конларини ўзлаштириш, «Фаргонаазот» очик акциядорлик жамиятида аммиак ишлаб чиқаришнинг капитал-қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича 2007 йилда бошланган лойиҳаларни биргаликда молиялаш давом этмоқда. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг мажбур паркинни янгилаш мақсадида «Mercedes-Benz» русумидаги 200 та автобус сотиб олиш бўйича янги лойиҳа амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## 9 — Хотира ва қадрлаш МАЙ куни

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган учрашув ташкил этилди.

## АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Унда матбуот соҳасида кўп йиллардан буюн самарали меҳнат қилган фахрий журналистлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ўқувчи ва талабалар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Гуломов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Жамолддин Ҳакимов, фахрий журналистлар Максуд Қориев, Холлида Аҳорова, Владимир Дементьев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий матбуотимизни изчил ривожлантириш, унинг эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўлланма ишлар ўзининг ёрқин самараларини бераётганини таъкидладилар.

Бу йўналишдаги ишлар ёши улў журналистларни ёзозлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш каби эзгу юмушларга ҳамоҳанг тарзда амалга оширилаётгани эътиборга молиқдир.

Учрашувда фахрий журналистларга эсдалик совғалари топширилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

## «КУРУВЧИ» — «АЛ-ИТТИҲОД» — 2:0

Осиё чемпионлар лигасида илк бор қатнашаётган Тошкентнинг «Курувчи» жамоаси гуруҳ босқичида навбатдаги галабага эришди.

Кеча пойтахтимиздаги МХСК стадионида Миржалол Қосимов шогирдлари Осиё чемпионлар лигасининг икки қарра голиби Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоасини қабул қилди. Учрашунинг 10-дақиқасида Сервер Жепаров томонидан маҳорат билан ошириб берган тўпни Анавар Солиев дарвозага киритди — 1:0.

Ж. ЗИЁДУЛЛАЕВ.

## МАҚСАДЛИ КОМПЛЕКС ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ

2008 йилнинг I чораги мобайнида республикамаида салкам 170 мишга ошган иш амалга оширилди.

Ўтган даврда мамлакатимизнинг барча худудларида мақсадли комплекс дастурларни амалга ошириш, хусусан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, касаначиликни ташкил этиш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

Бир рақам шарҳи

Сўнги соатда



**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ**

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан куйидагилар қўйилмоқда: Тошкент вилояти хўжалик судининг 2008 йил 4 апрелдаги 11-0805/3622-сонли буйруғига асосан, «Гидравлика» ОАЖга қарашли, Зангиота тумани, Ўртаовул ҚФЙ, Амир Темур кўчаси, 102-уйда жойлашган, майдони 2871,03 кв.м. бўлган асбоб-ускуналар цехи.

Бошланғич баҳоси — 452 603 029 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 10 июнь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Шунингдек, 2008 йил 27 май кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдосига Тошкент вилояти Олмалик шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 14 майдаги 11-07-05/2182-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалик шаҳри, Абдуллаева кўчасида жойлашган бинолар мажмуаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 60 660 769 сўм 60 тийин.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ «Ипотекабанк» Собир Раҳимов филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, х/р 20210000500571452105.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ҳ. Урозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52.

www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004.

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилояти филиалининг Қорақўл туманидаги «Намунасавдо» СИЧК суд бошқарувчиси билан ҳамкорликда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Бухоро вилояти хўжалик судининг 2007 йил 14 майдаги 20-0709/1958-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган, Қорақўл туманидаги «Намунасавдо» савдо ишлаб чиқариш кооперативи кредиторлар қўмитасининг 2008 йил 19 апрелдаги 5-сонли йиғилиш баённомаси қарорига асосан, Қорақўл туманида жойлашган «Намунасавдо» савдо ишлаб чиқариш кооперативига қарашли мол-мулклар мулкрий мажмуа сифатида қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 390 828 800 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 10 июнь кунини соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уйда ўтказилади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир соат олдин тўхтатилади.

2. 2008 йил 28 май кунини соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уйда ўтказиладиган аукцион савдосига Бухоро вилояти хўжалик судининг 2007 йил 12 июлдаги 20-0708/2699-сонли ижро ҳужжатида асосан, Ромитан тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Ромитан туманидаги «Богитуркон» ММТПнинг 600 ўрндан иборат клуб биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 202 162 465 сўм.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Бухоро вилояти филиалининг куйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: АТИБ «Ипотекабанк» «Сардор» филиалидаги ҳисоб рақами 20210000900571452052, МФО 00119, СТИР 200933850, ОКОНХ 83300.

Кўшимча маълумот учун телефонлар: 8 (365) 223-71-30, 223-71-36.

Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 № 000004.

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

**Аукцион савдосига куйидаги автотранспорт ва техника воситалари қўйилмоқда:**

1. Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2008 йил 10 апрелдаги 02-35-ж-сонли ижро варақасига асосан, Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, МХХ Сирдарё вилояти бошқармаси хўжалик бўлимига қарашли гаражда сақланаётган:

1. «BMW-X5» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, соҳ ҳолдаги автотранспорт. Бошланғич баҳоси — 101 876 000 сўм.

2. «NISSAN INFINITI FX-35» русумли, 2006 йил ишлаб чиқарилган, соҳ ҳолдаги автотранспорт. Бошланғич баҳоси — 73 860 100 сўм.

II. Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2008 йил 5 февралдаги 2-09-ж-сонли ижро варақасига асосан, Мирзаобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Мирзаобод тумани «ДОНИ» боҳжона омборида сақланаётган «Нексия» русумли, давлат рақами 19L 19-94 бўлган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, соҳ ҳолдаги автотранспорт. Бошланғич баҳоси 9 250 000 сўм.

III. Жиноят ишлари бўйича Гулистон тумани судининг 2008 йил 7 апрелдаги 01-37-сонли ижро варақасига асосан, Гулистон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, фуқаро Худойбердиев Исроил Дадабаевич хондонидида сақланаётган, «МТЗ-80» русумли, давлат рақами 38-82 СР бўлган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, соҳ ҳолдаги трактор. Бошланғич баҳоси — 9 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 12 июнь кунини Гулистон шаҳри, 3-мавзе, Бизнес маркази биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Сирдарё вилояти филиалининг куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Миллий банк, Гулистон шаҳар бўлимидаги ҳисоб рақами 20210000900571452054, МФО 00363, ИНН 200933850.

Кўшимча маълумот учун телефонлар: 26-28-93, 26-38-91.

Лицензия: DB 001 № 000004.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси

БМТ Тараққиёт дастури

**Ёш журналистлар учун танлов: «Оммавий ахборот воситалари кўзгусида эркак ва аёллар тенглиги»**

Дастур номи: Ўзбекистон хотин-қизларининг имкониятларини кенгайтириш учун Институционал (Ташкилий) ва Ҳуқуқий салоҳиятни ривожлантириш

1. **Асослантириш**

Ўзбекистон ижтимоий ва сиёсий ривожланишнинг асосий кўрсаткичи бўлган гендер тенгликка эришишнинг муҳимлигини тан олади. Ўзбекистон томонидан 1995 йилда Хотин-қизлар ҳуқуқларини камситишнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция ратификация қилинганига қарамай, Конвенция қоидалари оммавий ахборот воситалари орқали етарли даражада тарғиб қилинаётгани йўқ. Конвенция қоидалари тўғрисидаги билимларни ОАВ орқали ҳолис, профессионал тарзда етказиб бериш ва шу тарзда гендер соҳасида ҳуқуқий онгни ошириш ҳозирда олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир.

Бу ўринда журналистлар учун мўлжалланган, гендер соҳасидаги ҳуқуқий онгни оширишга, адолат, тенглик тўғрисидаги шакллантиришга, Конвенция қоидаларини кенг тарғиб қилишга қаратилган таълим тадбирлари алоҳида ўрин эгаллайди.

II. **Ташкилотчилар**

Ёш журналистлар учун мўлжалланган ушбу танлов БМТнинг «Ўзбекистон хотин-қизларининг имкониятларини кенгайтириш учун Институционал (Ташкилий) ва Ҳуқуқий салоҳиятни ривожлантириш» деб номланган ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган Дастур томонидан ташкил қилинмоқда. Дастурнинг мақсади CEDAW Конвенцияси, унга амал қилиш механизми тўғрисидаги билимларни тарқатиш ва жамиятда гендер соҳасидаги ҳуқуқий онгни оширишдир. Ушбу мақсадга эришиш учун, жумладан, журналистлар томонидан гендер масаласини оммавий ахборот воситалари орқали ҳаққоний ва профессионал тарзда ёрита билиш салоҳиятларини ошириш кўзда тутилган.

III. **Танлов мақсади**

Ушбу танловнинг мақсади гендер соҳасида ҳуқуқий онгни оширишга, CEDAW қоидалари тўғрисидаги билимларни жамиятда тарқатишга қўмақлашга ва шу йўл билан жамиятдаги гендерга боғлиқ салбий фикрлар — стереотиплардан холи журналистларни танлаб олиш ва рағбатлантиришдир. Иштирок этиш учун мурожаатлар ва чоп этилган мақолалар 2008 йилнинг 15 июнигача қабул қилинади ва улар асосида финал босқичи иштирокчилари аниқланади.

Танлов фойлилари август ойида ўтказиладиган «Оммавий ахборот воситалари кўзгусида эркак ва аёллар тенглиги» мавзусидаги Ёш мактабга таклиф қилинади ва сертификатлар билан тақдирланади.

Танлов қатнашчиларига қўйиладиган талаблар

Ушбу танловда куйидаги йўналишлар бўйича ўз мақола/эссе-ларини тақдим қилган, 30 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси журналистика факультетларининг юқори курс талабалари, магистратура тинловчилари ва ёш журналистлар қатнашчилари мумкин:

- Хотин-қизлар ҳуқуқлари — тушунмаси, жиҳатлари, таснифи
- Аёлларга нисбатан зўравонликлар
- Аёлларни камситиш
- Хотин-қизлар ҳуқуқларини амалга оширишда эркаклар роли
- Репродуктив саломатлик ва оилани режалаштириш
- Оилавий низолар ва аёлларнинг оиладаги ҳолати
- Хотин-қизлар ҳуқуқлари эркаклар нигоҳида
- Траффикинг
- Аёлларнинг жамиятдаги фаол иштироки
- Хотин-қизлар ҳуқуқлари — инсон ҳуқуқлари
- Аёлларнинг мамлакат сиёсий-ҳуқуқий ҳаётидаги иштироки
- Аёллар ва қишлоқ ҳаёти
- Ислохотлар даврида аёлларнинг ижтимоий роли

Танловда иштирок этиш учун юқорида кўрсатилган мавзулардан бири бўйича 4 варақдан ошмаган ҳажмда мақола/эссе ёзиб (матбуот ёки Интернетда чоп этиш тасвир қилинади), куйида келтирилган манзилга жўнатиш керак.

Тайёр мақолалар билан мурожаатларни [cedaw.undp@gmail.com](mailto:cedaw.undp@gmail.com), электрон манзилига юборинг ёки Ёш журналистлар учун «Оммавий ахборот воситалари кўзгусида эркак ва аёллар тенглиги» танловига деб кўрсатиб, куйидаги манзилга етказинг: 100029, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 4-уй, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси.

Тел: 244-04-36, 241-58-64  
Факс: 120-34-85

**КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК**

**«ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобикли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика Телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қондалари» қабул қилинган ва тасдиқланган. Унда барча қорхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ҳамда жисмоний шахслар томонидан ушбу қондаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст қилмастликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.

**КАБЕЛНИНГ МУҲОФАЗА МАСОФАСИ**

2 МЕТР 2 МЕТР

**ЕР ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАҚИҚЛАНАДИ**

Манзил Телефон

**КАБЕЛ МАСИ**

Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа қорхоналарига моддий зарар етказиши, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутиш! Алоқа линияларини шикастлантирган қорхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа қорхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазिश ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчилик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Куйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисига кўрсатилган.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:**

<b>«Шаҳарлараро алоқа қорхонаси» филиали:</b> Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р.	144-61-08, 132-01-26, 144-29-59 50-36-79, 380-40-35
ЛКЦ-0 Тошкент ш. КУ-1 Тўйташа ш. КУ-1 Ф-л Ангрен ЛТЦ Бекобод	21-306, 21-121, 186-57-51 2-27-61, 186-57-51 2-54-11, 316-97-53
<b>1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:</b> Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй. КУ-1 Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 264-уй. КУ-2 Янгийул ш., Чарикова к., 172-уй. КУ-3 Тўйташа ш.	135-36-59 65-80-43 168-72-86 168-48-51
<b>2-ШМАТБ манзили:</b> Қўқон ш., «Истиклол» к., 58-уй. КУ-2 Бешарик тум. маркази, «Сирдарё» к., 9-уй. КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора. КУ-4 Андижон ш., Чўпон к., 9-уй. КУ-5 Янгийул тум. маркази, Чустий к., 1-уй.	55-2-24-71 61-2-23-66 25-08-82 22-23-81 52-9-24-55
<b>3-ШМАТБ манзили:</b> Гулистон ш., Дўстлик қўр. КУ Сирдарё ш. КУ Жиззах ш. ЛТЦ-2 Янгийул ш.	27-16-20 57-28-98, 57-34-36 77-05-27, 6-22-07 72-30-28, 72-30-24
<b>4-ШМАТБ манзили:</b> Булунғур ш., «Самарқанд» к., 18-уй.	33-52-60
<b>5-ШМАТБ манзили:</b> Бухоро ш., «Ғиждувон» к., 69-уй.	223-38-37
<b>6-ШМАТБ манзили:</b> Нукус ш., «Ашқобод» к., 1-уй. КУ Тўртқўл ш. КУ Бөрўний ш.	222-37-07, 222-00-43 532-30-60, ички 1-42 524-30-60, ички 1-38
<b>7-ШМАТБ манзили:</b> Термиз ш., Гагарин к., 32-уй. ЛТЦ-16 Денов ш.	3-59-07 7-37-62
<b>8-ШМАТБ манзили:</b> Қарши ш., «Хуснобод» к., 1-уй. ЛТЦ-15 Ғузор ш.	221-02-41 55-22-1-67
<b>9-ШМАТБ манзили:</b> Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
<b>10-ШМАТБ манзили:</b> Навоий ш., «Кармана» к., 2-«Б» уй. КУ-3 Каттақўрғон ш. КУ-4 Ғиждувон ш.	224-75-21 45-5-24-54 57-2-14-75

**Завод ТЕМЗ** изготавливает и реализует:

**КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А**

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

**Теперь и в ЛИЗИНГ**

максимальная грузоподъемность 8т  
максимальная длина стрелы — 30м (с кареткой)  
максимальная высота подъема гор. — 41,5м, наклонно — 57,5м

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

**КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**  
максимальная грузоподъемность — 14 т  
максимальная высота подъема — 14,5 м

**КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**  
максимальная грузоподъемность — 16 т  
максимальная высота подъема — 22 м

**КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**  
максимальная грузоподъемность — 25 т  
максимальная высота подъема — 29 м (с гуськом)

**ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА**

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.  
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.temz.kh.uz

**«ISUZU» — Ёзёвон йўлларида**

Марказий Фаргона ҳудудида жойлашган Ёзёвон тумани билан Фаргона, Марғилон шаҳарлари орасида «ISUZU» автобуслари қатнай бошлади.

Хозирда янги йўналиш бўйича 10 та автобус 15 минут оралиги билан қатнаб турибди. Яқин кунларда Фаргона — Сойбўйи, Ёзёвон — Қоратепа — Марғилон йўналишлари бўйича ҳам тўртта замонавий автобус чиқарилиши режалаштирилмоқда.

**С. НАБИЕВ.**

**КАБЕЛ МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ МУҲОФАЗА ЗОНАСИГА ЖИҚИШ**

Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига жиқиш кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;
- кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчилик билан қўчириш, синдириш, қўчириш, қўйиб юбориш;
- турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасидан қудуқлар қазिश, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли хил чикиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!

**ХУШЁР ВА ЭХТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

«Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа қорхонаси» филиали

Товар сертифицирован Официальный дистрибьютор на территории Республики Узбекистан

**INTEGRAL ASIA** **DELL**

... от карманных компьютеров до серверов...

**3** Технологии, обеспечивающие уверенность

года полной гарантии!!! Тел.: 120-30-27, 120-30-28. Факс 120-30-26.

Мухтарам газетхон! Газетамизнинг ушбу сонидagi қўшаҳифа бепул илова қилинмоқда.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

**БОЛАЛАР БОГИДАГИ ШОДИЁНА**

**Гимнастикачиларимиз муваффақияти**

Россиянинг Владимир шаҳрида бадий гимнастика бўйича халқаро турнир якунланди.

Мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси икки нафар спортчи билан қатнашди. Шуниси қувончлики, уларнинг иккаласи ҳам совриндорлар сафидан жой олишди. Спорт усталари баҳсда ҳамюртимиз Жамила Раҳматова 64,125 балл жамғариб, биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Москва шаҳри вакиллари Виктория Шарипова (54,6 балл) ва Мария Груздова (48 балл)ларга nasib этди.

1999 йилда туғилган гимнастикачилар баҳсида Анара Давлатова 55,825 балл тўплаб учинчи ўрин соҳиби бўлди.



Шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигасида голиб ва совриндорлар номи маълум бўлди.

**СОВРИНДОРЛАР МАЪЛУМ**

Айланма тизимда уюштирилган беллашуларда мамлакатимизнинг энг кучли 12 нафар шахматчиси бош соврин учун кураш олиб борди. Таъкидлаш лозимки, чемпионат ўйинларида Самарқанд вилояти шахматчилари ишончи ўйин намойиш этишди. Натияжада кучли тўртликни шу вилоят шахматчилари эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Жумладан, халқаро тоифадаги спорт устаси Жўрабек Ҳамроқулов 7,5 очко тўплаб, Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди. 7 очкодан жамғарган Алексей Барсов, Шўхрат Сафин ва Марат Жумаевлар иккинчи-тўртинчи ўринлардан жой олишди. 6,5 очко йиғишга муваффақ бўлган Тошкент вилояти вакили Владимир Егин бешинчи ўринни эгаллади.



3. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Андижон шаҳридаги болалар боғида «Биз соғлом юртинг соғлом фарзандларимиз» шiori остида тадбир бўлиб ўтди. Унда Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган ёшлар спортнинг волейбол,

шахмат-шашка, енгил атлетика турлари бўйича беллашдилар.

Тиббийет коллежида эса Ёшлар йилига бағишланган спорт мусобақалари ташкил этилди. Урта махсус касб-хунар

коллекларида тахсил олаётган ўсмирлар спортнинг ўндан ортиқ тури бўйича куч синашдилар.

Жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб қилиш, унинг оммавийлигига эришиш,

ёшлар ўртасида ақиллик, ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар барчага манзур бўлди.

О. ШОДМОналиев, «Халқ сўзи» мухбири.

**ТРАНСАЭРО АВИАКОМПАНИЯ**



15 майдан самолёт бортида хизмат кўрсатишнинг янги усули **ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛИДИР МОСКВА — 242 евро ва ундан юқори (бир томонга)**

- алоҳида ажратилган жойларда ёки навбатсиз рўйхатдан ўтиш
- самолёт саломи ўртасидаги жойлар ва қиялик бурчаги катта суяниқли янги, қулай креслолар
- мазали таомлар, сафар тўпламлари
- парвоз қилиш кунини бепул ўзгартириш ва авиачипталарни жаримасиз қайта топшириш

Тел.: 233-99-35, 233-76-38, 383-44-25. www.transaero.ru

**МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ**

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) тақлиф этади.

**МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ**

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни тақлиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас. «МАЗ» ВА «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КўРСАТИЛАДИ. Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

**Чемпионатда ҳам шундай бўлса...**

Айни кунларда Осиё чемпионатига тайёргарлик кўраётган футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Малайзияда ўқув-йиғин машғулотларини ўтказмоқда.



Ҳамюртларимиз бу ерда маҳаллий «Куала-Лумпур» жамоасига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушиб, йирик — 12:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Малайзиядаги ўқув-йиғин машғулотлари эртага якунланади. Александр Петров шоғирдлари 9 май кун Осиё чемпионатида қатнашиш учун Таиланд пойтахти Бангкокка жўнаб кетади.

Паст ва юқори кучлианишли электротехник жиҳозлар ва трансформаторлар ишлаб чиқарувчи



**«AZIAELECTROENERGIYA»**  
ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

барча Ўзбекистон халқини, отахону онахонларни

**9 май**  
**ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ**

билан қизгин муборакбод этади!


Одамлар, қадрланг бир-бирингизни,  
Гул ҳам, муҳаббат ҳам тирикка керак.

Доим элда азиз ва муқаррам бўлишни  
Парвардигор барчага насиб этсин.

Сиз туфайли эришилган  
тинчлигимиз абадий бўлсин!



Дунёда доимо  
тинчлик бўлсин!



**«Эркин суҳбат» тарифи**

**\$0** абонент тўлови тармоқ ичидаги кирувчи алоқа  
**\$0,01** Ўзбекистон бўйича барча бошқа кўнғироқлар 1 дақиқа учун

**МТС алоқа оператори**



**INTER-PRESS**

ОБУНА  
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

119-0000, 119-8383, 155-0955

Тошкент ш., Навоий кўч.13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

**Халқ сўзи**

**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 36374 нускада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 233-52-55;  
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбидинов.  
Навбатчи — Ф. Санаев.  
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6 8